Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (12.642)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

КЕЛАЖАК ЛОЙИҲАЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тошкентда VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси очилди.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, янги технологиялар ва инновацион маҳсулотлар яратилиши ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш кўламини ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси етти йилдан буён олимлар, саноатчилар, фермерлар ва ёш ихтирочилар учрашадиган тадбирлардан бирига айланди. Мазкур анъанавий ярмаркада вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, фермер хўжаликлари, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари кенг иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари, интеллектуал мулкни янада ривожлантириш ва ҳимоя қилиш, янги ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, табиий бойликларни тежаш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш кўлами йилдан йилга кенгайиб бораётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорлари бу борада муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида «Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш – иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосидир» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Молия вазирликлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси С.Турдиев ва бошқалар тадбиркорларга лицензиялашни ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш борасидаги ислоҳотлар демократик янгилаш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган изчил чора-тадбирлар самарасида 2014 йилнинг биринчи чорагида 7,3 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, бизнесни тугатиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Жумладан, мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари ажратиш, қурилишга рухсатнома бериш, электр тармоқларига уланишда «бир дарча» тамойилларини жорий этиш бўйича ишлар оптималлаштирилди. Мисол учун, ҳисоботларни интерактив йўл билан топширишнинг фаол жорий этилиши натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизи, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмоқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон тарзда расмийлаштирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тадбиркорларга янги имтиёз ва преференцияларнинг кенг доирасини яратишда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унга кўра, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитни янада яхшилаш кўзда тутилган.

– 2009-2014 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган корхоналарга берилган имтиёз туфайли маблағ тежашга эришдик, – дейди ЎзА мухбирига «Комтек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Лутфулла Йўлдошев. – Ушбу маблағ эвазига янги технологиялар харид қилиб, хизматлар сифатини ошириб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Жорий йилда хорижий компаниялар билан шартномалар тузиб, иш кўламини янада ошириш ниятидамиз.

Йиғилишда Президентимиз фармонида белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва кафолатларга оид меъёрларни кенг аҳоли қатламларига тушунтириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида шу ҳақда маълум қилинган.

Маърузада таъкидланишича, ҳуқуқ устуворлиги жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди, дунёнинг барча мамлакатлари ҳукуматларининг масъулиятини кучайтиришга кўмаклашади ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни оширади.

Мазкур Индекс илк маротаба 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноёб тадқиқотдир.

Давлатларга баҳо беришда «Тартиб ва хавфсизлик» йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатидаги тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни кўриб чиққан, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини, мустақил ва холис судларнинг мавжудлигини, ҳуқуқ-тартибот органлари нечоғли самарали фаолият юритишини ва бошқа омилларни тадқиқ қилган.

Давлатларнинг ютуқлари, аввало, жиноятчиликка қарши курашиш, сиёсий зўравонлик, шу жумладан, терроризм, қуролли тўқнашувлар ва сиёсий тартибсизликлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва жиноий одил судлов тизимига нисбатан ишончнинг йўқотилиши оқибатида юзага келадиган зўравонликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш бўйича асосий тамойилга риоя қилинишининг самарадорлигига кўра баҳоланган.

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин Сингапурга берилган. Учинчи ўринни Ўзбекистон, Дания ва Гонконг эгаллаган. Ўзбекистондан кейинги ўринларда АҚШ, Бельгия, Норвегия, Эстония, Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлар қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, мазкур мустақил халқаро ташкилотнинг юқори баҳосига сазовор бўлган Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик мустақиллик йилларида изчил ва босқичмабосқич амалга оширилаётган ва ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги энг долзарб масалаларни самарали ҳал этишга йўналтирилган тизимли, кенг кўламли ишлар натижасидир.

Бунда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири – қонун устуворлиги ташкил этади. Ушбу тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимояланишини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Натижада суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, адвокатура институти ролини кучайтириш таъминланди.

Жиноят ва жиноий-процессуал қонунчиликнинг либераллаштирилиши, инсонпарварлик тамойилининг кучайтирилиши бу борадаги энг муҳим йўналишни ташкил этди. «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши принципиал қадам бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Масалан, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари фаолиятида қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилди, жиноий, маъмурий қонунчиликнинг янада либераллаштирилиши давом эттирилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди, тезкор-қидирув характеридаги тадбирларни амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг амалий ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тинчлиги ва хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоялашни таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Халқаро экспертлар шуни алоҳида таъкидлаганки, юксак инсонпарварлик ғояси билан суғорилган мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширган. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги рейтингда муносиб ўрин эгаллагани мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг изчиллиги ва юксак самарадорлигининг яна бир ёрқин мисолидир.

Демократик қурилиш борасида мамлакатимиз тўплаган тажриба ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган давлат ва жамиятни изчиллик билан янгилашда фойдаланилаётган тадрижий ёндашув дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(ЎзА)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Эко-боғ» ҳудудида «Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида «Экология ва мен», «Ёшлар экологик тоза ҳаётни танлайди» мавзуларида акция ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда «Ёшларнинг бугунги муаммолари ва уларнинг ечими» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Яккасарой туманидаги 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда «Истиқлолнинг нурли йўли» мавзуида тадбир ўтказилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига оид қонунчилик масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси (O'zLiDeP) ҳудудий ташкилотлари томонидан шу кунларда жойларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ва иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзуида семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

• Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб илмий-адабий анжуман ўтказилди.

• Қашқадарё вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан Яккабоғ туманидаги ихтисослашган ўрмон хўжалигида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Мазкур тадбир ўрмон ҳудудларида юз берадиган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бу жараёнда ҳаракат қилиш кўникмасини ошириш мақсадида ташкил этилди.

• Бу йил Андижон вилоятидаги 117 ўрта махсус касб-ҳунар коллежини 98 мутахассислик бўйича 46 минг 370 нафар ўқувчи битиради. Айни пайтда ана шу битирувчиларни ўз йўналиши бўйича иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда коллеж битирувчилари учун 39 минг 769 янги иш ўрни яратиш, 64 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга тижорат банклари томонидан 18 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг «Hitachi Ltd.» компанияси Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридаги 111 қаватли бинога дунёдаги энг тез ҳаракатланувчи лифт ўрнатади. Ушбу иншоотнинг баландлиги 530 метрга тенг бўлиб, 2016 йилда молиявий марказ сифатида фойдаланишга топширилади. Унга жойлаштириладиган лифт соатига 72 километр тезлик билан ҳаракатланади. Масалан, 1-қаватдан 95-қаватга кўтарилиш учун 43 сония кифоя қиларкан.

• Яқинда «Microsoft» компанияси (АҚШ) «Nokia» (Финляндия)нинг мобиль телефонлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бўлимини сотиб олганди. Хабарларга қараганда, янги мутасаддилар унинг номини ўзгартириш ниятида. Ҳозир фин компаниясининг мазкур бўлими расман «Nokia Oyj» деб юритилади.

• АҚШнинг Даллас шаҳридаги Heritage аукцион савдолари уйида 1969 йилнинг ноябрь ойида «Аполлон» космик кемасида Ойга қадам қўйган 82 ёшли Алан Бин ўзи билан Ойга олиб кетган қайчи, ручка ва камар кимошди савдосига қўйилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ БИРИНЧИ ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкентда мамлакатимизда Инха университетининг ўқув фаолияти ташкил қилинишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Корея Республикасининг Инха университети маъмурияти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 24 мартдаги тегишли қарорига мувофиқ ташкил қилинаётган Тошкент шаҳридаги Инха университети Ўзбекистондаги еттинчи хорижий олий ўқув юртидир. Ушбу таълим маскани шу йилнинг 1 октябридан ўз фаолиятини бошлайди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимизда бундай нуфузли университет филиалининг очилиши таълим соҳасида ичил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир. Айни пайтда бу Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, жумладан, Корея Республикаси билан кенг кўламли халқаро муносабатларининг яна бир яққол намоёни бўлди.

Жанубий Кореянинг Инха университетига 1954 йилда асос солинган бўлиб, у бутун дунёда АКТ соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаши билан машҳур. Бугунги кунда бу ерда 59 мутахассислик бўйича 18 минг нафардан зиёд бакалавр ва 10 та йўналиш бўйича 4 минг нафардан ортиқ магистр таҳсил олмоқда. Шу йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ ёш ўқитувчилари Инха университетида малака ошириб қайтди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида АКТ соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз пойтахтида Инха университети филиалининг ташкил қилиниши билан давом эттирилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳридаги Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу олий ўқув юрти учун мўлжалланган биноларни қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Инха университети қабул комиссияси раҳбари Жонг Хо Кимнинг айтишича, Тошкент шаҳридаги филиалнинг дастлабки талабалари жанубий кореялик профессор-ўқитувчилар иштирокида кириш имтиҳонлари орқали танлаб олинади. Дастлабки босқичда иккита факультет очилиб, компьютер ва дастурий инжиниринг, шунингдек, компьютер тармоқлари инжиниринги бўйича мутахассислар тайёрланади.

Жорий йилда кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 150 нафар ёш ушбу ўқув юрти талабаси бўлади. Таълим Инха университети ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, фақат инглиз тилида олиб борилади.

Кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун абитуриентлар инглиз тилини камида 5 баллик даражада билишини тасдиқлайдиган IELTS сертификатига эга бўлиши, 7 майдан 21 майга қадар университетнинг расмий сайтида (www.iut.uz/registration) онлайн-рўйхатдан ўтиши, 2014 йилнинг 21 майидан кечиктирмай университет қабул комиссиясига зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим қилиши зарур.

Абитуриентлар математика ва физика фанларидан имтиҳон топширади, Жанубий Корея университетининг етакчи ўқитувчилари суҳбатидан ўтади. Танловдан муваффақиятли ўтган ёшлар тўлов-шартнома асосида таълим олади. Энг кўп балл тўплаган абитуриентлар шартли-грант асосида ўқишга қабул қилинади – уларнинг таълими учун мамлакатимизнинг етакчи компаниялари ҳақ тўлайди ва келгусида иш билан таъминлайди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Тошкент шаҳридаги Инха университети битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган, белгиланган намунадаги диплом топширилади.

(ЎзА)

КЕЛАЖАК ЛОЙИҲАЛАРИ ЯРМАРКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аввал ўтказилган олтита инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари натижалари улкан иқтисодий самаралар бермоқда. Илмий ва техник ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича умумий қиймати қарийб 60 миллиард сўм бўлган 1945 шартнома имзоланган эди. Ушбу шартномаларга асосан 300 дан зиёд янги технологиялар амалиётга татбиқ этилди, 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 20 номдаги саноат ва 49 турдаги тажрибасинов маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Илгари янги технологиялар асосан чет элдан харид қилинган бўлса, энди инновация ярмаркалари мамлакатимиз илм-фани салоҳияти жуда юқорилиги ва миллий ишланмалар хорижникидан асло қолишмаслиги, ҳатто кўплаб кўрсаткичлар борасида улардан устунлигини яққол исботлаётир.

Ярмарка ташкилотчилари томонидан иштирокчиларга қатъий талаблар қўйилаётганини таъкидлаш жоиз. Чунончи, таклиф этилаётган барча лойиҳалар амалиётга татбиқ этишга тайёр, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган технологиялар бўлиши, хусусиятига кўра халқаро стандартларга жавоб берадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқишга имкон бериши шарт.

Шу ва бошқа кўплаб мезонларга жорий ярмаркада ҳам риоя этилмоқда. Илм-фан, таълим, конструкторлик ташкилотлари ва алоҳида ихтирочилардан келиб тушган 611 аризадан 494 таси саралаб олинди. Жумладан, уларнинг 171 таси саноат, 127 таси қишлоқ хўжалиги, 53 таси тиббиёт ва фармакологияни, 30 таси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди.

Ярмаркада ёш олимлар, аспирантлар, талабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг юқори босқичларида таълим олаётган ўқувчиларнинг иштирок этаётгани ушбу тадбирнинг ўзига хос жиҳатидир. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда энг кўп янгиликларни мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим тизими муассасалари намойиш этмоқда. Шунингдек, талабалар ва ёш олимлар 55 инновацион маҳсулотларни тақдим қилмоқда.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари томонидан намойиш этилаётган интеллектуал маҳсулотлар орасида, айниқса, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларининг стендлари ташриф буюрувчилар эътиборини тортмоқда. Масалан, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети кўплаб истиқболли лойиҳаларни таклиф этаётир. Улар орасида қуёш энергиясидан қувват оладиган икки томонлама шаффоф экранли мобиль телефон, атмосферанинг чангланиш даражасини ўлчайдиган микропроцессорли асбоб, чиқинди газлар таркибидаги қурум миқдорини аниқлайдиган тутун ўлчагич, электрон рақамли шиша ҳисоблагич ва бошқа қизиқарли ишланмалар бор.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабалари ўзларининг машинасозлик технологияси, энергетика, саноат-фуқаро қурилиши ва архитектура, ахборот технологиялари ва саноатда бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари каби йўналишлардаги ғоя, лойиҳа ва ишланмаларини тақдим этмоқда. Жумладан, университетнинг тўртинчи босқич талабаси Маъруф Муқаррамов ярмаркага ташриф буюрганларга «ARM» автоматлаштирилган саралаш тизими макетини намойиш қилмоқда. Турли қисмларни саралашга кўмаклашадиган ушбу робот қурилма истиқболда машинасозлик ва автомобиль тармоғига жорий қилиниши мумкин. Бу эса иш жараёнини янада автоматлаштириш ва инсон меҳнатини камайтириш имконини беради.

– Навоий компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ўқиб юрганимда машинасозлик ва ушбу жараённи автоматлаштиришга қизиқиб қолган эдим, – дейди М.Муқаррамов. – Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси бўлгач, ўз билим ва қобилиятимни янада ошириш имкониятига эга бўлдим. Чунки бу ерда бунинг учун барча шароитлар яратилган. Мақсадим – мамлакатимизда талаб юқори бўлган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш.

Ярмаркада тиббиёт ва фармакология соҳасининг кўплаб вакиллари қатнашмоқда. Улар томонидан намойиш этилаётган инновациялар тиббиёт соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлишидан далолат бермоқда. Масалан, Андижон давлат тиббиёт институтининг госпитал ва факультатив жарроҳлик кафедраси илмий ходимлари ўз ихтиролари учун 18 патент олди. Шулардан тўрттаси ёш олим, институт ўқитувчиси Муҳаммадяҳё Тешабоевга тегишли. Чунончи, у юз қисми куйган беморларни жарроҳлик реабилитация қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқди. Мазкур усуллар оддийлиги ва самарадорлиги билан пластик жарроҳликнинг анъанавий ёндашувларидан афзалдир.

Сўнгги йилларда ярмарка ташкилотчилари энергетика тармоғи учун истиқболли ва долзарб бўлган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастурий ҳужжат бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти анъанавий кенг экспозицияси билан иштирок этаётир. Иқтисодиётнинг турли соҳалари учун фотоэлектрик қурилмалар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Хусусан, марказлаштирилган энергия манбаларидан узоқда жойлашган объектларни энергия билан таъминлашга қодир кўп вазифали бажарадиган мустақил кўчма фотоэлектрик тизим кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Институтнинг катта илмий ходими Ҳабибулла Собировнинг таъкидлашича, мазкур қурилма соатига 30 киловаттгача электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Тизимни кўчириш учун трактор тиркамаси асосидаги махсус ғилдиракли транспортдан фойдаланилади. Бу бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳам унинг ишлашига имконият яратади.

Муқобил энергия манбалари соҳасида «АТЕТМ» МЧЖ алоқа ва тоза энергия маркази алоқа объектлари учун мустақил қуёш ва қуёш-шамол электр станциялари, Андижон давлат университети фотоэлектрик энерготаъминот тизимли ёруғлик диодли ёритгич, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти сувни чучуклаштирадиган гелиоқурилма билан иштирок этмоқда.

Умуман, ярмарка янги технологияларни амалиётга татбиқ қилиш юзасидан шартномалар тузиш баробарида ишлаб чиқарувчиларни янги ғоя ва лойиҳалар билан таништириш имконини бермоқда. Тадбир доирасида ташкил этиладиган инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш, муқобил энергетикани ривожлантириш истиқболлари, ёш олим ва талабаларни инновацион фаолиятга жалб этишни кенгайтириш масалаларига бағишланган қатор семинарлар шу мақсадга хизмат қилади.

Анъанага мувофиқ, мамлакатимиз саноат корхоналари ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни татбиқ этиш самарадорлиги тўғрисида ўз тақдимотларини намойиш этади, шунингдек, янги ишланмаларга нисбатан туғилаётган эҳтиёжлар хусусида сўзлаб беради.

Ярмарканинг биринчи кунида корхоналар ва лойиҳалар ишлаб чиқувчилар ўртасида маҳсулот ва технологияларни харид қилиш ёки тижорий жорий этиш бўйича қиймати 1,2 миллиард сўмлик эълондан зиёд шартнома имзоланган дикқатга сазовордир. Шундай лойиҳаларнинг аксарияти фойдаланувчиларга юқори иқтисодий самара келтиради.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Сардор ТОЖИЕВ,
Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбирлари
Ислом Исмоилов олган суратлар

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Тафаккур синовлари» Республика танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси,«Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Тафаккур синовлари» танлови бир неча йилдан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда талабаларнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврида сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар бўйича тарих, сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш имкониятини яратиш мақсадида ўтказилмоқда.

— Мазкур танловда уч йилдан бери мунтазам қатнашиб келамиз, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси, «Шарқ нури» жамоаси аъзоси Жавоҳир Арслонов. — Қувонарлиси, икки йилдан бери республика босқичида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаяпмиз. Танловда иштирок этиб, турли хил йўналишлар бўйича таълим олаётган тенгдошларимизнинг дунёқараши, ҳаётдаги мақсади, қизиқишлари ҳақида ўртоқлашиб, улар билан фикр алмашиш, дўстлар орттириш имконига эга бўлдик.

Саралаш босқичида олий таълим муассасаси талабаларидан иборат жамоалар «Таништирув», «Ҳозиржавоб», «Саҳнада тафаккур синови», «Муаммо ва ечим», «Ёшларга оид қонунчилик – талабалар нигоҳида» шартлари бўйича ўзаро беллашишди.

Ғолиб жамоа танловнинг ҳудудий босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зарина РУСТАМОВА

МАКТАБДА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 66-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабида имконияти чекланган ўқувчилар таълим-тарбия оладилар. Сўнгра улар Тошкентдаги ихтисослашган саноат касб-ҳунар коллежида таълимнинг кейинги босқичини давом эттирадилар. Уни тугатгандан сўнг танлаган касблари бўйича ишга жойлаштирилади.

Ушбу мактаб ўқув режаларидан четга чиқмаган ҳолда меҳнат фанларига йўналтирилган бўлиб, бошланғич синфдан то мактабни битиргунга қадар меҳнат дарслари ўтилади. Юқори синф ўқувчиларига пазандалик, чилангарлик, тикувчилик, дурадгорлик, сартарошлик, каштачилик, қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнат йўналишлари ўргатилади. Уларга гул экиш, мактаб гулзори ва боғидаги ниҳолларни парваришлаш ҳам ўргатилиб, ёғоч маҳсулотларидан турли буюмлар ясайдилар. Маънавий-маърифий жиҳатдан тарбия олиб, ҳаётга, замон билан ҳамнафас бўлишга тайёрланишади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, ташкил қилинган «Оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги таълим-тарбия ишлари самарасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнида ҳар томонлама тайёргарлик кўрилиб, амалга оширилаётган меҳнат билан боғлиқ тадбирларда болалар меҳнат инсонни улуғлашини, бахтимизнинг пойдевори эканлигини янада кўпроқ ҳис қиладилар.

«Соғлом бола йили»га бағишлаб, мактабда ўтказилган «Меҳнат инсонни улуғлайди» мавзусидаги анъанавий меҳнат байрами ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда мактаб ўқувчиларининг меҳнат бўйича «Устоз-шогирд» тизимида меҳнат дарслари ва тўгаракларда меҳр билан тайёрлаган ишларининг кўргазмаси, меҳнат жараёни намойиш қилинди. Айрим меҳнат йўналиши бўйича берилган топшириқларни ўқувчилар байрам давомида мусобақа тарзида бажардилар. Ўқувчиларнинг намойиш қилинган фаолиятлари натижалари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди, уларга совғалар топширилди. Меҳнат беллашувларида ғолиб деб топилган мактаб ўқувчилари Рамазон Ғиёсбоев, Наташа Масленкова, Муҳсина Файзуллаева, Зокир Шариповлар Тошкент шаҳри бўйича ўтказиладиган меҳнат байрамида қатнашадилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга қизиқтиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманлар

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда фонднинг мутасадди вакиллари, ҳамкор ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари ходимлари, спорт мураббийлари ва журналистлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар ишини тизимли ташкил этиш, самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллаларда спорт майдончаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, ёшларни спортга жалб этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Бу борадаги ўтган йил якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби мусобақалар ўтказилиб, уларда икки миллиондан зиёд ёшлар иштирок этган.

Анжуманда маҳаллалар ҳудудида 372 та болалар майдончалари қурилгани, 902 таси таъмирлангани, 1203 та майдончада ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, «Соғлом бола йили»да ҳам бу каби хайрли ишлар изчил давом эттирилиши ҳақида таъкидланди. Маҳаллалар қошида турли хил спорт ва бошқа тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда минглаб ёшлар катта қизиқиш билан қатнашаётгани эътиборга лойиқдир.

Тадбирда ўсиб келаётган авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни, айниқса қизлар, оилаларни спортга жалб этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган устувор вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

«Маҳалла» фонди томонидан «Соғлом бола йили»да болалар спортини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, Давлат дастурига кўра мактаб, коллеж, лицей, маҳалла гузарларидаги мавжуд спорт заллари, майдончалари ва иншоотларида оилавий спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар яратиш ва ижодий тўгараклар ташкил этиш, ҳар бир турар жой даҳасида замонавий ҳамда хавфсиз болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуриш кўзда тутилган.

Шу билан бирга умумтаълим мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқувчилари ўртасида «Ёз – 2014» спорт мусобақаларини, қизлар орасида «Жисмоний баркамоллик – гўзаллик рамзидир» шиори остида бадиий гимнастика ва «Баҳор маликалари» шиори остида енгил атлетика бўйича республика мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, «Истиқлол юлдузлари» ва «Юрт истиқболи» республика болалар ижодиёти фестивали, халқ чолғулари бўйича «Она юрт оҳанглари» халқаро танлови, умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной», «Қувноқ стартлар» каби спорт мусобақалари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг интеллектуал, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Анжуман сўнгида «Истиқлол – ғурурим, маҳаллам – фахрим» кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Мазкур кўрик-танлов «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар, илғор тажрибаларни ОАВ орқали кенг ёритиб, энг яхши ижодий материаллар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида журналистлар ўртасида ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги олдидан

ҚАЛБЛАРДА МАНГУ БАРҲАЁТ

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган маънавий- маърифий тадбирлар, таниқли ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг 4-талабалар турар жойида ўтказилган ижодий кечада ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ёдга олинди. Унда тарих факультетининг талабалари иштирок этди.

Ижодий кечага ташриф буюрганлар буюк қалб эгаси Муҳаммад Юсуф асарларининг мазмун-моҳияти ва у билан боғлиқ мангуликка муҳрланган қизиқарли хотираларни ёдга олишди.

— Бугунги ижодий кеча устозимиз Шодмон Азизов ташаббуслари билан юқори савияда ташкил этилди. Ҳақиқатан ҳам ҳар гал Муҳаммад Юсуф ижодини кузатганимизда деярли ҳар бир мисрада Ватанни севиш, уни ардоқлашга ундовчи оддий ва сермазмун мисраларга дуч келиб, шоир маҳоратига тасаннолар айтиб, шеърларини завқу шавқ билан мутолаа қиламиз, — дейди тарих факультетининг 2-босқич талабаси Улуғбек Ортиқов.

Бундай тадбирлар келажак эгалари бўлган ёшларни юксак эзгу фазилатларга ошно этиб, Ватанга муҳаббат ҳиссини юксалтириб, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ундайди. Зеро, ўзбек адабиётининг ёрқин вакили Муҳаммад Юсуф хотираси йиллар оша шеърият ихлосмандлари қалбида мангу яшайверади.

Тоҳир РАВШАН,
ЎзМУ талабаси

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида элимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган «Меҳр қолур» деб номланган бадиий кеча бўлиб ўтди.

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Тадбирда сиёсий шарҳловчи Қуддус Аъзам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи, доцент Сайди Умиров, шоирнинг рафиқаси Назира Ассалом, шогирди Мирзо Карим, бирга ўқиган курсдошларидан Дилбар Солиева ва Карим Ашуровлар сўзга чиқиб, шоир билан ўтказган даврлари, қизиқарли воқеалар, унинг самимий ва камтар инсон эканлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шоирнинг «Отабек ва Кумуш», «Қизғалдоқ» шеърлари саҳналаштирилган ҳолда меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Бундан ташқари шоирнинг шеърларини талабалар француз, испан, рус, инглиз ва хитой тилларида ҳам ўқишди. «Йигитлар», «Ўзбекистон» шеърларининг қўшиқ қилиб куйланиши тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бахш этди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, шоир 1978 йили ушбу олий ўқув юртини тугатган. Шу муносабат билан университет биносида Муҳаммад Юсуфга бағишланган музейнинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Дилшода ДАУЛЕТБАЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРЛАНДИ

Ёшларнинг онгу тафаккурини теранлаштириш, уларни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб вояга етказиш, Ватанга садоқат, урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада шаҳримиздаги мавжуд барча ўқув муассасаларида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва ижодий учрашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўтказилган «Қадриятларимиз қадрланади» мавзуидаги тадбир ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда институт ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди. Унда талабалар турли вилоятларнинг миллий урф-одатларини тарғиб этувчи саҳна кўринишлари, миллий либослар намойиши ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан парчалар, оҳанграбо куй ва қўшиқлар ҳамда дилбар рақсларни ижро этиб, тадбирга кўтаринкилик бахш этдилар.

Бундай тадбирлар ўзлигимизни англаш, анъаналаримизнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, кенг тарғиб этиш, онгу шууримиз ва маънавий дунёқарашимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ўзбекона қадриятларимизни қадрлаш, миллийлигимизга эҳтиром билан қараш каби эзгу ғояларни ёшлар қалбига сингдиришга хизмат қилади.

Муслима АБДУМАЛИКОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти иккинчи курс талабаси

Ўзбек Миллий академик драма театри бир асрлик бой тарихга эга. Бетакрор саҳна асарлари, ўз ҳаётини театр санъатига бағишлаган буюк актёр ва актрисалар, ютуқлар ва муваффақиятлар – буларнинг барчасига оид ўлмас хотиралар театр музейида жамланган.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан

МИЛЛИЙ ТЕАТР САНЪАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ

Музейлар, жумладан, театр музейлари мамлакатимизнинг тарихий ва маданий меросини сақлашда улкан аҳамиятга эга. Театр музейларининг ўзига хослиги шундаки, улар маърифий вазифани бажаришдан ташқари яна бир муҳим жиҳатга эга: уларда сақланаётган экспонатлар узоқ ўтмишга оид декорациялар, либослар, соч турмакларини тиклашга ёрдам беради, ёш актёрларни фотосуратлар ва театр афишаларидан тикилиб турган саҳна усталари ижодидан илҳомланишга рағбатлантиради.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг ташкил топиш ва ривожланиш тарихи бир неча даврларни қамраб олади. Музейдан ўрин олган энг кўҳна экспонатлар унинг ҳаваскорлик даражасидан профессионал театрга айланиши, бир гуруҳ ижодкорларнинг мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб гастроллари ҳақида ҳикоя қилади.

Музей мудираси Шарифа Гозиеванинг сўзларига кўра, экспонатлар театрнинг ўзига хос ашёвий тарихидир. Бу ерда фотосуратга муҳрланган машҳур спектакллардан лавҳалар, саҳна орти ҳаётини акс эттирган расмларни кўриш, театрда ижод қилган истеъдодли санъаткорлар ижоди, ажойиб асарларнинг дунёга келиш тарихи билан танишиш мумкин. Бинобарин, экспозициялар нафақат даврийлик тамойили асосида, балки театр тарихида ўчмас из қолдирган машҳур санъаткорлар ижоди билан бевосита боғлиқ тарзда шакллантирилган.

Наби Раҳимов ана шундай улуғ актёрлардан биридир. У қадимдан шоиру созандалар, дорбозу масхарабозлар, аскиячи ва сўз усталари, моҳир ҳунарманд ва рассомлар, савдогарлар шаҳри сифатида танилган Кўқонда вояга етган. Буларнинг барчаси унинг ижодий камолотига таъсир этмай қолмас эди, албатта. Н.Раҳимов 1929 йилда драма театри саҳнасида ўзининг илк ижодини бошлади. Табиат ато этган истеъдоди, маҳорати, меҳнатсеварлиги туфайли у миллий актёрлик мактабининг шаклланиши ва ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Саҳнада қарийб 200 га яқин драматик, комик, лирик ва трагик образларни ўзига хос тарзда гавдалантирди. Атоқли актёр ижросида М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий драмасидаги Бобо Кайфий, К.Гоццининг «Маликаи Турандот» асаридаги Труффальдино, В.Шекспирнинг «Отелло»сида Яго ва «Гамлет»ида Лаэрт, Н.Гоголнинг «Ревизор» комедиясидаги Бобчинский ва Хлестаков, «Уйланиш» асарида Кочкарев ва бошқа бетакрор образлар мумтоз санъат даражасига кўтарилди ҳамда миллий театр санъатимизнинг олтин фондидан ўрин олди. Актёрнинг улкан шуҳрати ва бетакрор истеъдодини қуйидаги далил ҳам тасдиқлайди: ўтган асрнинг 40-йиллари охирида Англия парламенти делегацияси театрнинг фикр-мулоҳазалар дафтарида қуйидаги қайдни ёзиб қолдирган: «Отелло» спектаклининг намойишини энг зўр, деб ҳисоблаймиз. Наби Раҳимовнинг ижроси спектаклга жон бағишлади... Биз бундай ижрога тан берамиз ва ўз ҳурматимизни билдирамиз».

Музейда бошқа ўнлаб улуғ ижодкорлар ҳақида ҳам маълумот берувчи экспонатлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳаёти ва ижод йўли ҳақида кўп жилдли китоб ёзиш мумкин. Лутфулла Назруллаев, Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Ғани Аъзамов, Амин Турдиев, Ҳикмат Латипов, Зикир Муҳаммаджонов, Зайнаб Садриева... Уларнинг ҳар бири бир афсона, барчаси миллий театр санъатимиз тарихида унутилмас из қолдирган. Уларнинг бетакрор актёрлик ва режиссёрлик маҳорати замондошларимиз томонидан янада бойитилиб, давом эттирилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театри музейи экспозициясида машҳур театр томошалари акс эттирилган суратлардан иборат стендлар муносиб ўрин эгаллаган. Улар театрнинг бой репертуари, режиссёрлар, саҳна безакчилари, гримчи ва бошқа ходимларнинг юксак маҳоратидан, томошабинларнинг жўшқин меҳридан гувоҳлик беради... Ушбу материаллар билан танишиш асносида беихтиёр ўша олис даврларга тушиб қолгандек бўласиз, қаҳрамонлар ҳолатини ҳис қиласиз.

Театрда «Макр ва муҳаббат», «Ревизор», «Фарҳод ва Ширин», «Гамлет», «Отелло», «Юлий Цезарь», «Алишер Навоий», «Шоҳи сўзана», «Ганг дарёсининг қизи», «Мирзо Улуғбек», «Шоҳ Эдип» ва бошқа кўплаб машҳур асарлар саҳналаштирилган.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида театр томонидан халқимизнинг миллий характерини очиб берадиган бир неча саҳна асарлари намойиш этилди. Ана шундай асарлардан энг машҳури Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедияси асосида яратилган шу номли спектаклдир. Мазкур спектакль 18 мавсум давомида узлуксиз равишда муваффақият билан намойиш қилинди. Кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги, персонажларнинг бетакрорлиги, ҳаётийлиги, халқ театри элементларидан унумли фойдаланилгани саҳна асарининг муваффақиятини таъминлаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбек Миллий академик драма театри тарихида мутлақо янги давр бошланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 21 сентябрдаги Фармонига мувофиқ театр ҳозирги номига ва миллий театр мақомига эга бўлди. Театрнинг бугунги ривожланиш босқичи репертуар танлашнинг эркинлиги, ташкилий шаклларнинг хилма-хиллиги, миллий театримиз анъаналарининг жаҳон саҳна санъати ютуқларига уйғунлиги билан изоҳланади.

— Театримиз тарихи мамлакатимиз театр санъатидаги бутун бир даврдир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. — Уни ўрганиш саҳнага чиқишни орзу қиладиган ҳар бир ёш актёрнинг бурчидир. Санъатимизнинг ҳақиқий дарғалари ким бўлган? Улар қандай ролларни ижро этган? Драма театри 100 йил давомида нималарни бошидан кечирди? Ушбу саволларга жавоб топган ёш актёрлар, режиссёрлар, драматурглар санъат оламига киришга, шу ерда ўз ўрнини топишга тайёр бўлади. Бундай мураккаб ишда театримиз музейи уларга ёрдам беради.

Шубҳасиз, жорий йил Миллий театр санъатимиз тарихида янги саҳифа очмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мазкур санани нишонлаш учун кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Театр ва унинг музейи биноси тубдан таъмирланмоқда. Байрам муносабати билан театр тарихи ва фаолиятига бағишланган китоб-альбомни чоп этишга тайёргарлик кўрилмоқда, ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Кўплаб ҳужжатли маълумотларни ўз бағрида сақлаётган музей фонди бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш қонунан қай тартибда амалга оширилади?

А.Икромов,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан:

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш мол-мулк жойлашган ерда ўрнатилади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суднинг шахсни «бедарак йўқолган», деб топиш тўғрисидаги ёки уни «вафот этган» деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги ҳал қилув Қарори бекор қилинганида мол-мулкни бошқаришнинг ҳам бекор қилиниши белгиланган.

Шерзод ЮНУСОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги 10-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Муомалага лаёқатсиз деганда ким тушунилади? Суд қандай ҳолатларда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин? Шу тўғрида тушунча берсангиз.

М.Қодирова,
Юнусобод тумани

Ёш болалар, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, шунингдек, руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб тушунилади. Бундай фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар.

Фуқароларнинг ўз саъй-ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва уларни амалга ошириши муомала лаёқати ҳисобланади. Тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар қонунлар асосида шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш сингари турли юридик ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб белгиланган.

Вояга етмаган, яъни ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишда иш бўйича тўпланган барча ҳужжатлар суд томонидан ўрганиб чиқилмоғи ва шу асосда асослантирилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддасида «руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади» деб қайд этилган.

Сайёра МАДАЛИЕВА,
Шоира АБДУСАМЕДОВА,
Чилонзор тумани ДНИ нотариуслари

* * *

Оила аъзоларининг розилиги бўлмаган тақдирда турар жойни алмаштириш тартиби қандай кечади? Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Ж.Йўлдошев,
Бектемир тумани

Агар турар жойнинг мулкдори ва унинг вояга етмаган оила аъзолари, ижарага олувчи ва унинг вояга етган оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган унинг оила аъзолари ўртасида турар жойни алмаштириш тўғрисида келишувга эришилмаган бўлса, уларнинг ҳар бири эгаллаб турган жойини турли уйлар, квартиралардаги турар жойларга мажбуран алмаштиришни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Бунда алмаштирилаётган турар жойларда яшаётган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинади. Суд турар жойни мажбуран алмаштириш тўғрисида қарор чиқарганда турар жойга бўлган ҳуқуқдаги улушларнинг тенгидан келиб чиқади. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно.

Агар мулкдор ва унинг вояга етган оила аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида ушбу турар жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларнинг тенг эмаслигини назарда тутувчи келишувга эришилган бўлса;

Уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва унинг оила аъзоларининг пай жамғармасига бўлган ҳуқуқлари тенг бўлмаса;

Турар жойга умумий мулк ҳуқуқига мулкдорларнинг улушлари тенг бўлмаса.

Каромат МАРАҲИМОВА,
Миробод туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг 47-янги мавсумининг очилиш тадбири ўтказилди.

КЎРКАМЛИК ВА ОБОДЛИКДАН КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ

Боғ ҳар қачонгидан-да болалар билан гавжум. Уларнинг юзида, кўзларида ўзгача қувонч ва байрам шукуҳи порлаб турибди. «Соғлом бола йили» муносабати билан келтириб ўрнатилган янги ўйин қурилмалари, жумладан, «Кенгуру», «Медуза», «Вертолёт», «Янги давр», «Субмарина», «Самолёт — 2» ва бошқа элликка яқин аттракционлар болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилмоқда. Боғ ҳудудидаги ҳайвонот боғида эса ўттиздан ортиқ турдаги жониворлар сақланмоқда.

— Маданият ва истироҳат боғининг янги мавсум бошланишининг олдидан барча ўйингоҳлар, ёритиш тармоқлари, савдо ва умумий овқатланиш, маиший шохобчалар таъмирланиб, безатилди ва ажойиб қиёфа касб этиб турибди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг «Оммавий-маданият ва спорт ишлари» бўлими етакчи мутахассиси Мирафзал Ғафуржонов. — Боғ ҳудудига гуллар экилиб, кўкаламзорлаштирилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Иккала кўлга сув қуйилиб, қайиқларнинг сифатли хизмат кўрсатиши таъминланди. Бу ҳаракатларимизнинг барчаси соғлом ва баркамол авлод камолоти йўлида амалга оширилмоқда.

Янги мавсумнинг очилиш маросимига бағишланган концерт дастурида боғнинг «Гулистон» карнай-сурнай дастаси, шунингдек, Олмазор туманидаги «Ҳилола» фольклор-этнографик ансамбли, «Гулдаста» рақс дастаси, «ТТЗ» маданият саройи вакиллари, боғнинг «Улуғбек юлдузлари» жамоаси таркибидаги Қувончбек Дўстмуродов, Ҳамидулла Қодиров, Аббос Кўзибоев сингари хушовоз хонандалар ижросидаги бадиий, мусиқий чиқишлар йиғилганлар кўнглига хуш кайфият бағишлади.

— «Ҳилола» фольклор-этнографик ансамблига етти ёшимда рақс санъатига бўлган қизиқишим етаклаган, — дейди Олмазор туманидаги 234-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Акмалжон Аҳмедов. — Устозим Жамила Ҳамидова берган сабоқлари билан «Кўҳна замин оҳанглари», «Истиқлол ғунчалари», «Менинг маҳаллам», «Касбим — фахрим» сингари республика кўрик-танловлари, маданий-маърифий тадбирларда муносиб иштирок этиб келмоқдамиз.

Боғнинг ижодий жамоаси иш режаларида болаларга бағишланган бир қатор спорт ва санъат байрамлари, маънавиятни юксалтиришга қаратилган давра суҳбатлари, ижодий учрашув ва қизиқарли адабий кечалар ўтказиш кўзда тутилган.

— Ушбу боққа фарзандларимиз билан бирга ҳар икки ҳафтада камида бир маротаба келиб турамиз, — дейди боққа ташриф буюрган дам олувчилардан бири Шавкат Файзуллаев. — Бу ерда яратилган қулай шарт-шароитлар, боғнинг ўзгача таровати, кўркам ва ободлиги, ўйинқароқ жажжи кичкинтойларнинг шодон кулгусини эшитиб, кўриб, беихтиёр навқирон ёшлигимни, беғубор болалик гаштини туяман. Иш ва юмушлардан ортиб, турмуш ўртоғим билан фарзандларимизни маданий дам олдиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу эса ўз навбатида, уларнинг аъло баҳоларга ўқишларида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

— Дам олиш кунлари бу боғда мириқиб дам оламиз, «Кенгуру», «Медуза», «Вертолёт», «Субмарина», «Самолёт»-ларда учамиз, — дейди биз билан суҳбатда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари Ҳасан ва Ҳусан Исроиловлар. — Бугунги байрамда рақсга тушиб, ажойиб концерт дастурини томоша қилдик.

Шу кунги тадбирда нафақат пойтахтликлар, балки республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар ва мустақил Ватанимизда тинч-тотув истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ҳам ўз фарзандлари билан иштирок этишди. Боғ ҳудуди бўйлаб концерт дастури билан биргаликда бўлиб ўтган байрам сайли куннинг иккинчи қисмида ҳам давом этди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Билдириш

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 22 апрелдаги 79-сонида чоп этилган хабарномадаги 2014 йил 22 май кунига белгиланган очиқ аукцион савдолари 2014 йил 26 май куни ўтказилишини маълум қиламиз.

«Continental Estate Advisory Group» МЧЖ маъмурияти

Ислом Исмоилов олган суратлар

Яқинда Халқаро маданият карвон саройида «Ўзбек Миллий созлари» мавзуида кўргазма очилди. Унда республикамизнинг машҳур усталари Раҳматилла Зокиров ва Абдумалик Мадраимовлар томонидан яратилган миллий чолғу асбоблари намойиш этилмоқда.

Кўргазмалар

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИ

Анъанавий созгарлик санъатининг машҳур усталаридан бири Усмон ота Зуфаров кўпчилик орасида ўз санъати билан обрў-эътибор қозонган. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ушбу ҳунармандчилик санъатини ҳозирда устанинг ўғиллари Тўхтамурод ва Муҳаммадсиддиқ Зуфаровлар давом эттириб келмоқда.

Отасининг изидан бориб, ҳам соз ясаб, ҳам ўқишга бел боғлаган Тўхтамурод ака олий ўқув юртини тугатгач А.Навоий номидаги адабиёт музейида кўп йиллар давомида фаолият олиб борди. Филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди, Халқ маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлди. 1978 йили ясаган дутори юқори баҳоланиб, Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспонатлари қаторидан жой олди. Ҳозирги кунда укаси Муҳаммадсиддиқ билан ота-боболари ҳунарини давом эттириб келмоқда.

Ҳар икки уста яратган созлар оҳангдорлиги ва мукаммаллиги билан ном қозонган. Жумладан, Р.Зокиров 16 ёшидан бошлаб соз ясашни бошлаган. Кўргазмадан уста яратган 6 та чолғу асбоблари ўрин олган.

Шунингдек, созгарлик санъатининг яна бир моҳир устаси Абдумалик Мадраимовнинг ҳам 20 дан ортиқ санъат намуналари мухлислар эътиборига ҳавола этилган. У Ўзбекистон Давлат консерваториясини имтиёзли тамомлагач, бир қанча мусиқа мактабларида дарс берди. 1969 йилдан буён халқ ҳунармандчилиги йўналишида миллий мусиқа созларини таъмирлаш ва яратиш бўйича илмий изланишлар билан шуғулланиб келади. Таъкидлаш жоизки, изланишлар натижасида А.Мадраимов IX-XVI асрларда аждодларимиз томонидан яратилган ва унутилиб кетган қўплаб тарихий мумтоз мусиқа асбобларининг нусхаларини қайтадан тиклаб, уларнинг янги нусхаларини тайёрламоқда. Ўз фаолияти давомида «Ғижжаги бобурий», «Дилрабо», «Дилнаво», «Ҳушнаво», «Мерос» деб номланган мусиқа асбобларини яратган. 1995 йили Тошкент шаҳрида «ЮНЕСКО» томонидан ўтказилган БМТнинг 50 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи кўрик-танловида уста ўз созларини намойиш қилди. Шунингдек, тарихий чолғуларни қайта тиклаганлиги ва ихтиролари учун «ЮНЕСКО» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Уста яратган мумтоз созларнинг барчаси шаҳримиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейининг доимий кўргазмасидан ўрин олган. Чет давлатларда ҳам уста созларига ихлосмандлар кўпайиб бормоқда. IV-V «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида созлар коллекцияси билан иштирок этган. Шунингдек, уста Абдумалик Мадраимов «Ташаббус — 2014» кўрик-танловида «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Спорт янгиликлари

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати якунига етди.

Мусобақанинг шпага йўналишида Олег Соколовга омад кулиб боқди ва у ҳамлакат чемпиони деб эълон қилинди.

Аёллар орасида эса Гулмира Ризаева мусобақага пухта тайёргарлик кўрганлигини исботлади ва биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда велоспорт бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида Владимир Тўйчиев, Тимур Гумеров, Руслан Фёдоров, Дмитрий Лозовой, Сергей Медведев, Борис Куликов ва Жаҳонгир Дармонов биринчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар ўртасида Жавоҳир Эгамбердиев, Семён Севастьянов, Валерий Липин, Рустам Сулаймонов ва Жаҳонгир Аъзамов олтин медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар баҳсида Александра Охват, Рената Байметова, Ольга Дробишева, Екатерина Кнебелева, Ольга Жантуганова ва Нафосат Қозиева мамлакат чемпиони бўлди.

Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

Ўз-ўз ўзини доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бахт кўпинча шундоққина ёнимизда бўлади-ю, биз уни узоқлардан қидирамиз.

* * *

Ўзига ҳаддан зиёд ишониш ҳам кишига панд беради.

* * *

Ақл ва кўнгил баҳсида охир-оқибат ақл ғолиб чиқади.

* * *

Баъзан бировга аталгани кўпинча бошқага насиб қилади.

* * *

Ёрдам кўпинча эгасига етиб бормайди.

* * *

Кечиримли бўлмасанг, на дўстинг бўлади, на ёринг.

* * *

Ҳасад кўнгилни қорайтиради.

* * *

Хаёл қушини қувиб етиб бўлмайди.

* * *

Доимий ёмон кайфиятда юришнинг ўзи касаллик.

* * *

Манфаатдан холи инсон йўқ.

* * *

Бу дунёда ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам кўп.

* * *

Бекорчи кунни кеч қилолмай овора.

* * *

Ўзига ишонмаган бебахтдир.

* * *

Кишининг фаросатини бир оғиз сўзи ёки биргина ҳаракатидан билиш мумкин.

Хавфнинг катта-кичиги бўлмайди, дейдилар. Шу боис, хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олиш, тайёргарлик кўриш, ҳушёрлик ва огоҳлик машқларини ўтказиб, фуқаро муҳофазаси хизматлари тузилмаларини вақти-вақти билан чиниқтириб туриш муҳимдир.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент кислород заводи» корхонасида «Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳамда зилзила билан боғлиқ ФВнинг оқибатларини бартараф этишда ФМ тузилмаларининг ҳаракати» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад объект ходимларининг қутқарув ҳамда кечиктириб бўлмайдиган бошқа вазифаларни, шунингдек, аҳолини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишдаги услубий билимларини ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ҳаракат қилиш иш режаларининг ишончлилигини текширишдан иборат.

Ўтказилган тактик-махсус ўқув машқларида Эвакуация, Ёнғин ўчириш, Жамоат тартибини сақлаш, Муҳандис техник, Хабар қилиш ва алоқа, Одамлар ва қимматбаҳо буюмларни қутқариш, Имитация гуруҳлари ҳамда раҳбарият таркиби ва Санитария пости вакиллари фаол қатнашдилар.

Энг муҳими, ўқув машқига қўйилган асосий мақсад бажарилди, тадбирнинг барча саволлари ва шартлари бўйича мазкур корхона раҳбарлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари таркиби қониқарли иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир якунида объект раҳбариятига бир нечта таклифлар берилди. Фуқаро муҳофазаси синф хонасини ўқув методик қўлланмалар билан янада бойитиш, объект Фуқаро муҳофазаси тузилмалари билан Тошкент шаҳар ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2013 йил 30 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2013 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2014 йилдаги вазифалар тўғрисида»ги 3-сонли буйруғига асосан 15 соатлик дастур асосида ўқитиш ишларини ташкил этишда амалий машғулотларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда келгусида бўлиб ўтадиган тактик-махсус ўқув машқларига мунтазам тайёргарлик кўриб бориш тавсия этилди.

«Тошкент кислород заводи» ДК раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга «чекланган тайёр» деб баҳоланди.

Азамат СУЮНОВ

Қатралар

БОҒ ВА ДОҒ

Оқар сувнинг шарқираб оқишидан ўзимни енгил ҳис қиламан. Назаримда у тиним билмас жафокаш меҳнатчи. Ўзидан гўзаллик, боғ қолдиряпти.

Кўлмакни кўриб эса оғир тортаман. Феълим бузилади. Назаримда у «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» хаёли билан ялпайиб ўтирган ғирт ялқов. Ўтирган жойида чивинлари гувиллаб учган қўланса ҳидли ботқоқ — доғ қолдиряпти.

Боғ қолдирган раҳмат олар,
Доғ қолдирган нафрат олар.

ЧАНГЛАР

Шамол ҳовлидаги чангларни тўзитиб юқорига кўтарди.

— Бормисан-е, ҳаволаниб яйрайдиган бўлдик, — шамолдан миннатдор бўлди дарахтга ёпишган чанглар, — бўлмаса ерда ётаверардик эзилиб.

Дам ўтмаёқ шамолнинг кетидан шивалаб келган ёмғир дарахт ва томларни тозалаб ўтди.

Шамолнинг кучидан юқори кўтарилиб, ғурурланган чанглар ариқларда лойқа бўлиб оқдилар.

ЎЗИ ТОБЛАНМАЙ ТУРИБ...

Пичоқ:

— Белинг борган сари хипча бўлиб боряптими?

Қумқайроқ:

— Оловда яхши тобланмаган экансан. Сени ишга қайрайверсам қумларимдан айрилдим-ку, яна менга таъна қиласан.

ДАСТА ВА БОЛТА

— Ўзимга қойилман, — деди болта, ғинг демай ғўлаларни палла-палла қилиб юбораяпман-а.

Бу гап дастага ёқмади. Бўшашиб руҳан эзилди. Понаси қайгадир учди. Ликиллаб сўнгги марта болтани аранг кўтарди. Кучсизгина тушган болта ғўланинг ёриғида сиқилиб қолди.

— Фақат ўзингга қойил бўлавер, — деди болтанинг тешигида ликиллаб турган даста.

Ғўлани ўзича ёра олмай, сиқилиб қолган болта дастага илтижо билан боқарди.

ТЎЛҚИН ВА НИҲОЛ

Йўлбарсдек пастга отилаётган шаршаранинг зарбидан ҳосил бўлган тўлқинларнинг тинимсиз урилиши қирғоқни метин — заранг қилган.

Илдиз — қўллари билан заранги чангаллаб ушлаган ниҳол туну кун безовта.

Тўлқин ниҳолдан хавфсирайди: «бечора қирғоқдан узилиб кетса-я...»

— Нима азоб далғали жойда, — дейди тўлқин ниҳолга бош уриб.

— Не қилай. Униб ўсган заранг жойим ўлан тўшагим. Қийналсам ҳам шу Ватан — жойимни тарк этолмайман.

Ниҳол тўлқинларнинг яланишидан очилиб қолган илдизлари билан «онам» дея қирғоқни қучганча умид билан яшайди.

ЧИРОҚ ВА ШАМ

— Мен ёниб ёруғлик беряпман-ку, сенинг нима керагинг бор? — деди чироқ.

— Керакдирманки, эгам мени олиб келган, — жавоб қилди шам.

Ногаҳон эсган шамолдан электр сими узилди. Ҳаммаёқ зимистон. Хонадондаги иш чала қолди. Хиёл вақт ўтмай шам ёнди. Ёруғидан ҳаракатлар яна ўз меъёрида. Кайфиятлар чоғ.

— Бошда билмай гапирган эканман, — деди чироқ шамнинг ёруғида ўзини кўргач.

— Ёруғ кунларинг ўтаверади. Иложсиз қолган кунингга яраганимдан хурсандман, сени менинг ёруғимда ясашганини унутма, — деди шам.

МЕРОС

— Биласанми, мен ўғлимга қандай мерос қолдиряпман?! — мақтанди қинғир йўл билан пул топувчи одам шеригига.

— Айтақол.

— Қасрмисан-қаср иморат. Сен нима қолдиряпсан?

— Мен ўғлимга одобни мерос қолдиряпман, — дебди тўғрилик билан пул топувчи шериги.

— Шу ҳам меросми? — дебди уни менсимай пулдор.

Мероснинг қай бири улуғлигини йиллар ўз синовидан ўтказибди. Пулдорнинг ўғлида меҳр, андиша йўқлигидан қаср, чиройли уйидаги жанжал, тўполондан омади кетибди. Қаровсиз қолган уй нураб тушаётгандек. Унда на файз бор, на барака!

Хулқи хуш ўғилнинг оддийгина уйида эса ҳалол меҳнат ва тинчликдан борган сари фаровонлик.

Ҳа, оталарнинг фарзандларига қолдирган одоб мероси олтиндан ҳам зиёдадир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, жала ёғиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, жала вақтида кучайган ҳолда секундига 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14 даражада илиқ, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 456
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12165 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 13.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ